

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

91 **2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон қарорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг 2014 йил 17 январдаги 1-сон протоколини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) доирасидаги чора-тадбирларнинг 2013 йилда амалга оширилиши 264,0 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва 163,7 минг гектарнинг сув таъминотини ошириш имконини берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, Бухоро,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимларига томчи-латиб суғориш тизимини жорий этишнинг, ғўзаларни полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар ва кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғоришнинг прогноз кўрсаткичлари таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Қуйидагилар:

Давлат дастурида назарда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

Давлат дастурига киритилган мелиоратив объектларни дизел ёқилғиси билан таъминлашнинг 2014 йил учун жадвали 2-иловага* мувофиқ;

2014 — 2017 йиллар даврида тупроқларнинг шўрланганлигини аниқ ўрганиш ва планга олишнинг прогноз параметрлари 3-иловага* мувофиқ;

2014 — 2017 йиллар даврида табиий сув оқимларидаги гидрологик постларни модернизациялашнинг прогноз параметрлари 4-иловага* мувофиқ;

2014 — 2017 йиллар даврида сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжалиқларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашнинг прогноз параметрлари 5-иловага* мувофиқ;

2014 — 2017 йиллар даврида қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан суғориш қувурлари ва полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар орқали суғоришнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишнинг прогноз параметрлари 6 ва ба-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Тешаев, Ҳамраев), Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев) раҳбарлари устувор ирригация-мелиорация объектларининг манзилли рўйхатлари сифатли шакллантирилиши, шунингдек Давлат дастурига киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари 2014 йилдан бошлаб ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари раҳбарларининг ҳудудий манзилли дастурларни шакллантириш бўйича ишчи гуруҳлар, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тугалланган лойиҳаларни қабул қилувчи комиссиялар таркибида мажбурий катнашишини таъминласинлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси (Файзуллаев), «Ўзнефт-маҳсулот компанияси (Султонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва нефть маҳсулотлари ҳудудий унитар корхоналари раҳбарлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қиш-

* 2 — 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти буюртманомаларига қатъий мувофиқ ҳолда, Давлат дастурига киритилган объектларни дизел ёқилғиси билан ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

7. «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси (Сулаймонов), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда замонавий мелиорация техникасини мукамал таъмирлаш бўйича минтақавий марказларни, шунингдек «Ўзмелиомашлизингсервис» шўъба корхонаси филиалларини 7-иловага* мувофиқ топшириққа мувофиқ икки ой муддатда ташкил этсинлар.

8. «Давархитектқурилиш» кўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Хошимов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 8-иловага* мувофиқ норматив ҳужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш бўйича сув хўжалиги лойиҳалаш ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ишларининг мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев) Давлат рақобат кўмитаси (Абдуҳақимов), тегишли лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда суғориш новлари ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини икки ой муддатда ўрганиб чиқсин ва уларни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, тупроқларнинг шўрланганлигини аниқ ўрганиш ва планга олиш, шунингдек табиий сув объектларидаги гидрологик постларини модернизациялаш ишларини молиялаштириш ҳар йили тегишли вазирликлар ва идораларга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда сув хўжалиги ва сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек Давлат дастурини амалга оширишда қатнашувчи ташкилотлар мутахассислари учун 9-иловага* мувофиқ касб-ҳунар коллежларида йилига бир марта малака ошириш курсларини ташкил этсинлар.

12. Тошкент ирригация ва мелиорация институти (Ҳамидов) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Салимов), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси (Сулаймонов), сув хўжалиги бўйича лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда:

малака ошириш курслари учун икки ой муддатда дастур, жадваллар ва

* 7 — 9-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ўқув-намойиш этиш материалларини ишлаб чиқсин ҳамда уларни сув хўжалигидаги ва сув хўжалиги қурилишидаги энг янги ютуқлар билан мунтазам равишда янгилаб борсин;

сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини ҳар йили қайта тайёрлашни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти (Юсупов), «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси (Сулаймонов) ҳар йили, ижро этувчи аппаратларни сақлаш учун харажатлар сметаларини тузишда малака ошириш курсларини ташкил этиш учун зарур бўлган ўқув-намойиш этиш материалларини тайёрлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсинлар.

14. «Давархитектқурилиш» кўмитаси (Хошимов) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ходиев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев) билан биргаликда:

ҳар йили сув хўжалиги лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этсин;

икки ой муддатда малака ошириш курслари учун дастурни, уларни ўтказиш жадвалларини ва зарур материалларни ишлаб чиқсин, кейинчалик уларни сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва қуришнинг замонавий технологиялари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ходиев) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

Давлат университетларида ва соҳага оид олий ўқув муассасаларида 10-иловага* мувофиқ, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, Давлат дастури амалга оширилишини мақсадли ўрганиш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирлари самарадорлигини оширишда, сув ресурслари ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб жойлашган ер участкаларидан оқилона фойдаланишда методик ёрдам кўрсатиш бўйича Илмий-амалий Кенгашлар ташкил этсин;

Илмий-амалий Кенгашлар таркиблари, низомлари ва иш режаларининг тасдиқланишини таъминласин ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатиши юзасидан назорат ўрнатсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 февраль,
39-сон

* 10-илова рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 февралдаги 39-сон қарорига
1-ИЛОВА

91-МОДДА

**2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини
яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурида назарда
тутилган комплекс чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча
ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|--|---|--|--|---|
| I. Суғориладиган ерларнинг ҳолатини мелиоратив жиҳатдан яхшилаш, ирригация ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш | | | | |
| 1. | Декларация қилинган нархлар бўйича полимер гранулаларни ажратиш ҳамда томчилатиб суғориш тизими, қишлоқ хўжалиги экинларини эгатларни полиэтилен плёнка билан қоплаш ва кўчма эгилувчан қувурлар орқали, шунингдек суғоришнинг бошқа сувни тежайдиган технологиялари орқали суғориш учун бутловчи буюмларни ихтисослаштирилган ташкилотлар ва корхоналар томонидан ишлаб чиқариш учун уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Декларацияланган нархлар бўйича полимер гранулалар ажратишнинг ва уларни ҳисобга олишни юритишнинг мавжуд тартибини таҳлил қилиш. Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш ҳамда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши томонидан тасдиқлаш. | 2014 йил 10 мартгача 2014 йил 1 апрелгача | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Иқтисодиёт вазирлиги (Мирзамаҳмудов), Молия вазирлиги (Абдуллаев), «Ўзбекнефтегаз» МХК (Файзуллаев), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов) |
| 2. | Сув хўжалиги ишларини тадқиқ қилиш, лойиҳалаш, амалга ошириш ва қабул қилиб олишни ташкил этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. | Қурилиш нормалари ва қоидалари (КМК) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: 2014 йилда — 4 та; 2015 йилда — 6 та. Идоравий қурилиш нормалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: 2014 йилда — 9 та; 2015 йилда — 11 та. Низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: 2014 йилда — 2 та. | 2014-2015 йиллар | «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Хошимов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Молия вазирлиги (Абдуллаев), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), «Давсувхўжаликназорат» (Эрназаров), «Ўзсувлоийҳа» ОАЖ (Примов), «ЎзГИП» МЧЖ (Абдуллаев), «Гидролоийҳа» ОАЖ (Жигарев), «Сувлоийҳа» бирлашмаси (Қобилов), Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари ИИИ (Раҳимов) |

— 68 —

9 (613)-сон

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|---|--|--|---|---|
| 3. | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, шунингдек сугориладиган ерларда амалга ошириладиган ирригация-мелиорация тадбирлари самарадорлигини баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. | Қуйидагиларни: сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини; мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан низомлар лойиҳаларини тасдиқлаш. | 2014 йил декабрь | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Арабов), Иқтисодиёт вазирлиги (Абдуллаев), Ирригация ва сув муаммолари ИИИ (Рахимов), бошқа илмий-тадқиқот институтлари |
| 4. | 2025 йилгача бўлган даврда минтақаларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш концепцияси (схемаси)ни ишлаб чиқиш. | Асословчи материаллар билан мустаҳкамлаган ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда концепция (схема) лойиҳаси асосий қоидаларини ишлаб чиқишни тугаллаш. 2025 йилгача бўлган даврда минтақаларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш концепцияси (схемаси)ни ишлаб чиқиш ва Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашида кўриб чиқиш. | 2014 йил 2015 йил октябрь | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсупов), Давлат геология қўмитаси (Турамуратов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмухаммедов), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Сувлойиҳа» бирлашмаси (Қобилов), «Ўзсувлойиҳа» ОАЖ (Примов), «ЎзГИП» МЧЖ (Абдуллаев), Ирригация ва сув муаммолари ИИИ (Раҳимов), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов) |
| II. Мелиорация ва ирригация объектларини, сугориш тармогини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш сифатини ошириш, шунингдек сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш | | | | |
| 5. | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурида назарда тутилган лойиҳалардан ҳар бирининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш. | Ҳар бир лойиҳани амалга оширишнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси мониторингини олиб бориш ва: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари; | пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузилгандан кейин уч кун муддатда ҳар ойда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев) Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти (Узоқов, Ишанов) |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш мўддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|---|---|--|---|
| | | Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси мажлисларида кўриб чиқиш. | ҳар чоракда | |
| 6. | Мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳаларни бажариш сифатини ошириш. | Бажариладиган мелиоратив ишларнинг лойиҳадаги талабларига ва сифатига риоя этилиши юзасидан қатъий, тизимли муаллифлик ва давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминлаш. | тасдиқланган жадвалга мувофиқ | «Давархитектурилиш» қўмитаси (Шодиёв), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қурилаётган корхоналарининг бирлашган дирекцияси, лойиҳалаш ташкилотлари |
| 7. | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаларини амалга оширишда қатнашувчи пудрат ташкилотларига дизел ёнил-гисининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш. | Олинаётган маҳсулот учун олдиндан тўловни амалга оширган ҳолда пудрат ташкилотларининг нефть омборларида дизел ёнилгисининг бир ойлик захирасини яратиш. | ҳар ойда жадвал бўйича | «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси (Султанов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев) ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 8. | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича тугалланган объектларни (босқичларни) қабул қилиб олиш тартибини қатъийлаштириш, коллектор-дренаж тармоғидан ишончли фойдаланилишини таъминлаш. | Худудий ва туман фермерлар кенгашларининг, шунингдек манфаатдор фермер хўжаликлари раҳбарларининг тугалланган объектларини (босқичларни) қабул қилиб олиш давлат комиссияларидаги иштирокни таъминлаш. | туғалланган объектларни (босқичларни) қабул қилиб олишда | Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, худудий ва туманлар фермерлар кенгаши |
| 9. | Очиқ коллектор-дренаж тармоғи бўйлаб жойлашган ер участкаларидан оқилона фойдаланиш. | Мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларида назарда тутилаётган тадбирлар таркибига коллектор-дренаж тармоғи каваллерларини (атрофларини) текислашни киритиш. Очиқ коллектор-дренаж тармоғи бўйлаб жойлашган каваллерларни текислашни ва ер участкаларини ободонлаштиришнинг ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш топшириқларини расмийлаштириш. | 2015 йилдан бошлаб лойиҳалаш юзасидан шартномалар тузиш босқичида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қурилаётган корхоналарининг бирлашган дирекцияси |
| 10. | Очиқ коллектор-дренаж тармоғи бўйлаб жойлашган ер участкаларини ободонлаштириш. | Очиқ коллектор-дренаж тармоғи бўйлаб жойлашган ер участкаларида тут, терак ва бошқа ёғочбоп дарахтларни, қиш- | ҳар йили 1 майгача | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|---|---|---|--|
| | | лоқ хўжалиги экинларини ўстиришни ташкил этиш. | | Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари, фермер хўжаликлари |
| 11. | Сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг сув айриш жойларини сугориш сувини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни таъминлаш. | <p>Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларида сугориш сувини бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларини тайёрлашни ташкил этиш.</p> <p>Сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмалари томонидан мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари билан уларни сув айриш жойларини сугориш сувини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича шартномалар тузилишини таъминлаш.</p> <p>Сув айриш жойларини жиҳозлаш жадвалларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ўн кунлик мониторинг олиб бориш.</p> | <p>2014 йил 1 апрелгача</p> <p>2014 йил 20 мартгача</p> <p>2014 йил 1 апрелгача, ҳар ўн кунда</p> | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари, фермер хўжаликлари |
| 12. | Сугоришнинг аниқлаштирилган режимлари дала тадқиқотларини ўтказишни, шунингдек ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сугориладиган ерларни гидромодул районлаштиришни ташкил этиш. | Жиззах вилояти сугориладиган ерларини сугоришнинг аниқлаштирилган режимларини, шунингдек гидромодул районлаштиришнинг дала тадқиқотларини ўтказиш ва ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлаш, кейинчалик Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашида кўриб чиқиш. | <p>2014 йил 1 апрелгача</p> <p>2014-2015 йиллар</p> | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Тешаев), Молия вазирлиги (Юсупов), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (Нурматов), Ирригация ва сув муаммолари ИИИ (Раҳимов), бошқа илмий-тадқиқот институтлари |
| 13. | Сугориш новларини ҳамда сув хўжалиги қурилишининг бошқа темир-бетон буюмларини ва конструкцияларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш. | <p>Сугориш новлари ҳамда сув хўжалиги қурилиши учун бошқа темир-бетон буюмлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришнинг замонавий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>Сугориш новларини ҳамда сув хўжалиги қурилишининг бошқа темир-бетон буюмларини ва конструкцияларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари-</p> | <p>2014 йил 1 майгача</p> <p>2014 йил 1 июнгача</p> | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Давлат рақобат қўмитаси (Абдуҳақимов), тегишли лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотлари |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш мuddати | Масъул бажарувчилар |
|---|--|---|--|---|
| | | ни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | | |
| 14. | Жанубий Мирзачўл канали (ЖМК) сугориш тизимини такомиллаштириш ва технологик жиҳатдан янгилаш. | Жанубий Мирзачўл канали бошқарув тизимини комплекс ўрганиш. ЖМКни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича лойиҳанинг ДТИИни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек молиялаштириш манбаларини аниқлаш. ЖМК бошқариш тизимини такомиллаштириш ва технологик жиҳатдан янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш. | 2014 йил 1 апрелгача 2014 йил 1 декабргача 2015 — 2017 йиллар | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Молия вазирлиги (Юсупов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Тўлаганов), «Давархитектурулиш» кўмитаси (Шодиев), «ЎзГИП» МЧЖ (Абдуллаев), Давлат алоқа кўмитаси (Мирзохидов) |
| III. Томчилатиб сугориш тизимини ва сугоришнинг бошқа сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш | | | | |
| 15. | Қабул қилинган ҳудудий дастурлар доирасида томчилатиб сугориш тизимини ва сугоришнинг бошқа сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 йилда амалга ошириладиган устувор лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда томчилатиб сугориш тизимини, қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан қувурлар ва полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар орқали сугоришни жорий этишнинг туманлар ва ҳудудлар лойиҳалари рўйхатларини ишлаб чиқиш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига киритиш. 2014 йилда амалга ошириладиган томчилатиб сугориш тизимини, қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан қувурлар ва полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар орқали сугоришни жорий этиш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни кўриб чиқиш ва умумлаштириш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш. | 2014 йил 10 мартгача 2014 йил 1 апрелгача | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудий ва туманлар фермерлар кенгашлари ва фермер хўжаликлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Молия вазирлиги (Абдуллаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Шерматов), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши |
| 16. | Фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш учун кўчма эгилувчан сугориш қувурлари ва полиэти- | «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг туман филиалларида кўчма эгилувчан сугориш қувурлари ва полиэтилен плёнка ком- | 2014 йил 1 апрелдан бошлаб | «Ўзимёсаноат» компанияси (Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|---|---|---|---|--|
| | лен плёнка комплектларини сотиш пунктлари тармогини ташкил этиш. | плектларини сотиш тармоқларини ташкил этиш. | | |
| 17. | Халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурсларини томчилатиб сугориш тизимини ва сугоришнинг бошқа сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш. | Халқаро молия институтлари билан узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб этиш масалаларини белги-ланган тартибда ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2014 йил 1 октябр гача | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Тўлаганов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсупов), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Марказий банк (Мустафаев) |
| 18. | Ғўзани ва бошқа чопиқ экинларини полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар орқали сугориш учун плёнка қоплагичнинг тажриба партиясини яратиш ва ишлаб чиқариш. | Плёнка қоплагични яратиш ҳамда ғўза ва бошқа чопиқ экинлари қаторлари орасини полиэтилен плёнка билан қоплашни механизация воситасида синаб кўриш. Плёнка қоплагичларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Саноат асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 йил апрел гача 2014 йил 1 июн гача 2014 йил 1 август гача | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Тешаев), «ВМКВ-Агromash» ОАЖ (Ибрагимов), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (Нурматов), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Равшанов) |
| 19. | Томчилатиб сугориш тизимини ва сугоришнинг сувни тежайдиган бошқа технологияларини лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари, шунингдек улардан фойдаланиш бўйича фермер хўжаликлари мутахассисларининг малакасини ошириш. | Томчилатиб сугориш тизимини ва сугоришнинг сувни тежайдиган бошқа технологияларини лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари, шунингдек улардан фойдаланиш бўйича фермер хўжаликлари мутахассислари учун: лойиҳалаш ташкилотларига; қурилиш ташкилотларига; фермер хўжаликларига мўлжалланган амалий семинарлар ташкил этиш. | 2014 йил март 2014 йил май жадвал бўйича | «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Хошимов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев) ва вилоятлар ҳокимликлари, «САНИПЛАСТ» ҚК (Алиев), «Шўртангаз ГМК» УК (Мансуров), «Ўзсувлоийҳа» ОАЖ (Примов), «Сувлоийҳа» бирлашмаси (Қобилов) |
| IV. Сув ресурслари, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқлар унумдорлиги, мелиоратив техникага сервис хизмати кўрсатиш мониторинги тизимларини такомиллаштириш | | | | |
| 20. | Табий сув оқимларидаги гидрологик постларни модернизациялаш ҳамда сув ресурслари мониторинги ва прогнози сифатини ошириш. | Уларни бажаришнинг аниқ муддаларини, молиялаштириш ҳажмлари ва манбаларини кўрсатган ҳолда табиий сув оқимларидаги 66 та гидрологик постларни модернизациялаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 йил 1 апрел гача | «Ўзгидромет» (Чуб), Молия вазирлиги (Юсупов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев) |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|--|--|---|---|
| | | Гидрологик постларни модернизациялаш: шу жумладан: 2014 йилда — 10 та; 2015 йилда — 14 та; 2016 йилда — 20 та; 2017 йилда — 22 та. | 2014 — 2017 йиллар. | |
| 21. | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати мониторинги бўйича лабораторияларни ва мелиоратив экспедицияларнинг дала хизматларини; «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг сугориладиган ерлар тупроғининг унумдорлигини назорат қилиш бўйича лабораториялари ва тупроққа оид хизматлари учун замонавий лаборатория анжомларини сотиб олиш ва улар билан жиҳозлаш йўли билан тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги мониторинги, шунингдек баҳолаш сифати назорати тезкорлигини ошириш. | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мелиоратив экспедициялари, шунингдек «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тупроққа оид хизматлари учун замонавий лаборатория ва дала анжомларини сотиб олиш ва улар билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 йил 1 июлгача | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов), Молия вазирлиги (Юсупов) |
| 22. | 2014 — 2017 йилларда тупроқларнинг шўрланганлигини планга олиш бўйича Комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2014 — 2017 йилларда тупроқларнинг шўрланганлигини планга олиш бўйича Комплекс дастур лойиҳасини келишиш ва тасдиқлаш. 2435,2 минг гектар сугориладиган ерларда тупроқларнинг шўрланганлигини планга олиш бўйича дала тадқиқотларини ташкил этиш. Вилоятлар, туманлар ва сув истеъмолчилари уюшмалари тупроқларининг шўрланиш материалларини таҳлил қилиш ва хариталарини ишлаб чиқиш: шу жумладан: 2014 йилда — 266,6 минг гектарда, 2015 йилда — 663,3 минг гектарда, 2016 йилда — 706,4 минг гектарда, 2017 йилда — 798,9 минг гектарда. | 2014 йил 10 мартгача 2014 — 2017 йиллар | «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Тешаев), Молия вазирлиги (Юсупов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов) |
| 23. | Худудларнинг сув хўжалиги объектлари жойлашган схемалари бўйича маълумотларнинг электрон базасини яратиш. | Сув хўжалиги объектлари ва бошқа ижтимоий инфратузилманинг асосий объектлари жойлашиш схемалари бўйича маълумотларнинг электрон базасини яратиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда | 2014 йил 1 майгача | «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (Арабов), «Ўздаверлоийҳа» институти (Жўраев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|--|---|--|---|
| | | Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши томонидан тасдиқлаш. | | Давлат алоқа қўмитаси (Мирзохидов) |
| 24. | Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар негизида мелиоратив машиналар ва механизмларни мукамал таъмирлаш бўйича минтақавий марказлар ташкил этиш. | Мелиоратив машиналар ва механизмларни мукамал таъмирлаш бўйича минтақавий марказларни ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши қарори, «Ўзmeliomашлизинг» ДЛК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буйруқлари. | 2014 йил 1 майгача 2014-2015 йиллар | «Ўзmeliomашлизинг» ДЛК (Сулаймонов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), Бухоро (Эсонов), Қашқадарё (Рўзиев), Самарқанд (Мирзаев), Тошкент (Усмонов) ва Фарғона (Ғаниев) вилоятлари ҳокимликлари |
| 25. | Замонавий мелиоратив техника операторларининг, шунингдек «Мелиомашлизингсервис» ШК, унинг минтақавий марказлари ва филиаллари мутахассисларининг малакасини ошириш. | Касб-ҳунар коллежларида замонавий мелиоратив техника операторларининг, шунингдек «Мелиомашлизингсервис» ШК, унинг минтақавий марказлари ва филиаллари мутахассисларининг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш. | йил мобайнида жадвал бўйича | «Ўзmeliomашлизинг» ДЛК (Сулаймонов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Тошкент ирригация ва мелиорация институти (Хамидов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Салимов) |
| 26. | Замонавий мелиоратив техника операторларини, сув хўжалиги, сув истеъмолчилари ва фермерлар уюшмалари мутахассисларини рағбатлантириш. | Куйидагиларни: замонавий мелиоратив техникадан самарали фойдаланиш бўйича энг яхши операторларни; сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув айириш жойларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек сугориш сувларидан оқилона фойдаланиш бўйича энг яхши ижрочи директорларини; энг яхши сувчиларни; сугоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш бўйича энг яхши фермерларни; мелиоратив объектларни ободонлаштириш ва улардан ишончли фойдаланиш бўйича энг яхши фермерларни аниқлаш юзасидан ҳудудий ва республика танловларини ташкил этиш. | ҳар чоракда | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), «Ўзmeliomашлизинг» ДЛК (Сулаймонов), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар | Тадбирларни амалга ошириш механизми ва шакли | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|--|--|---|--|
| 27. | 2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини амалга ошириш натижаларини тарғиб қилиш. | Мелиоратив ишларни бажариш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари бўйлаб жойлашган ер участкаларини ободонлаштириш бўйича семинарлар ўтказиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш. Давлат дастурининг амалга оширилиши бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида қисқа метражли фильмлар ва роликлар яратиш ҳамда уларни телевидение орқали намойиш этиш. | йил мобайнида жадвал бўйича 2014-2015 йилларда жадвал бўйича | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамраев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Шодиев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қурилаган қорхоналарининг бирлашган дирекцияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), лойиҳалаш ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ходжаев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Тешаев, Ҳамраев), Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Ўзбекистон Фермерлари кенгаши (Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |

Изоҳ: тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан, республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар, шунингдек вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, қорхоналар, тижорат банклари ва бошқа бажарувчи ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.